

Исломда аёлнинг ҳурматланиши

05:00 / 06.03.2017 5317

Муслмон инсон қуйидагиларга иймон келтирмоғи лозим:

1-Албатта башарият отаси Одамни ўзи яратди ва унинг жуфтини ҳам сукунат топиши учун яратди. Уларнинг орасига муҳаббат ва раҳматни солди.

2-Албатта аёллар эркакларнинг тенгдошларидир, улар орасида фазл ўлчови Аллоҳга тақво қилиш ва амали солиҳ билан бўлади.

3-Албатта аёл киши, худди эркак кишидек барча шаръий таклиф ва буйруқларни бажаришга масъулдир. Албатта қудрати ва табиий имконлари даражасида.

4-Албатта Ислом аёлнинг шахсини кўтариш учун келди. Ислом қадимда ва ҳозирда баъзи дин ва тузумларда баён қилинганидек аёлни камситадиган, уни эркаклардан пастга қўядиган ёки ифлос, шайтоний вужуд, деб таърифлайдиган жолҳилий тасаввурларни инкор этади.

5-Албатта Ислом аёл кишининг комил инсон эканини, мустақил шахс эканини, мулкка эга бўлиш ҳаққини, ўзи эга бўлган нарсаларни эркинлик билан тасарруф қила олишини, таълим олиш ҳаққини, эътиқод ва ихтиёр эркинлигини, фикр эркинлигини, насиҳат ва амри маъруф, наҳйи мункар қилиш ҳаққини, ўзи хоҳган кишига турмушга чиқиш ҳаққини ёки хоҳламаган кишисидан ажраш ҳаққини, ўз исми, лақаби, отаси ва оиласининг исмини сақлаш ҳаққини берган.

6-Албатта Ислом аёл кишига инсоният ҳаёти тараққиётида ижобий ва фаол қатнашиши учун ўрин берган. Унинг вазифасини насл кўпайтириш ва лаззат талабига боғлаб қўйган эмас.

7-Албатта Ислом аёл кишининг ҳаётидаги ўрни эркакнинг ўрнига мувофиқ ва тўлдирувчидир. Бу борада ҳеч қандай хусумат, жиддият ёки талашув йўқ.

8-Албатта Ислом эркак кишини аёл устидан раҳбар қилиб қўйиши, эркак устига кўпроқ масъулият юклаш маъносидадир.

9-Албатта Ислом аёл кишини она сифатида улуғлаб, оилани ва солиҳ жамиятни барпо этишнинг кўп соҳаларини унга топширди ҳамда жаннатни унинг оёғи остида қилди. Шунингдек аёлни хотин сифатида ҳам улуғлади, эркаларнинг энг яхшиси, хотинларига кўпроқ яхшилик қилгани, деди. Эрга хотинини ҳурматини қилишни, унга нафақа беришни, хожатларга жавоб беришни юклади. Оилада аёлнинг саодати кафолати бўлишини, қийинчиликлардан ҳимоя қилишни ва хор бўлишдан сақлашни топширди. Ислом аёлни қиз сифатида ҳам улуғлади. Уни яхши тарбиялаш, одобли қилишни ота-онанинг масъулиятига юклади ва шу ишни жаннатга киришларига сабаб қилди.

10-Албатта Ислом ушбу имтиёзлар муқобилига аёлга эрига, ота онасига, жамиятига нисбатан бурчлар юклади. Унга осон қилиш учун эркалардан талаб қилинган баъзи шаръий таклифларни ундан енгиллатди.

11-Албатта Аллоҳ аёллардан иймон, солиҳ ва тақвода олий даражага етганларини ўрнатиб қўйди. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалоту васалламнинг қизлари Биби Фотима ҳамда Биби Марямлар шулар жумласидандир.

12-Албатта Ислом аёлни она, сингил, қиз ва хотин сифатида эъзозлаб, риоясини қилишни тоат амалларидан бир амал ва жаннатга йўл қилди.

13-Албатта Ислом аёлни беҳурмат қилиш, обрўсини тўкиш, уни фиққ йўлида, йўлдан уриш воситаси қилиб, лаззат учун, фитна ва зийнат учун, ахборот воситаларида тижорат учун ишлатишни катта жиноят ҳисоблайди, улкан гуноҳ ва умматлар ҳамда жамиятларнинг тубанликка юз тутишининг сабаби деб ҳисоблайди.

Доктор Абдуллоҳ Саъд

“Исломнинг асосий ҳақиқатлари” китобидан